



СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ВА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Тўлаков Улуғбек Тошмаматович

Термиз давлат университети, Молия кафедраси доценти,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мақолада солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш йўналишлари кенг таҳлил қилинган. Солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида уйғун муносабатларни йўлга қўйиш иқтисодиёт барқарорлиги, бюджет тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ тушишига, шу билан бирга аҳолининг турмуш сифати ва жамият фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Солиқ тўловчиларнинг амалдаги солиқ солиш жараёнини ижобий қабул қилиши ва солиқларни ўз вақтида тўлашга розилигини таъминлаш давлат ва жамият ўртасидаги ишончли муносабатларнинг шаклланиши учун муҳим омил ҳисобланади. Мақолада солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларнинг асосий йўналишлари, яъни солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, солиқ юкини оптималлаштириш, солиқ тўловчиларга тушунтириш ва маслаҳат бериш хизматларини яхшилаш, солиқ органлари фаолиятида шаффофликни таъминлаш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилган. Солиқ солиш тизимини такомиллаштириш орқали давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва фуқароларнинг солиқ юкини адолатли тақсимлашга эришиш мумкинлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: солиқ хавфи, солиқ органлари, солиқ манфаатлари, солиқ маданияти, солиқ тўловчи, давлат, мувофиқлаштириш.

Кириш. Солиқ тўловчилар ва давлатнинг вакили сифатида солиқ органлари ўртасида юзага келадиган солиқ муносабатлари бутун мамлакат иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатади. Солиқ тизимининг самарали фаолият юритиши ва барқарор ривожланиши давлат бюджетига тушумларнинг ўз вақтида ва тўлиқ таъминланиши, шу орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим асосидир. Бюджетга тушумларнинг барқарорлиги давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва инфратузилмавий дастурларни молиялаштириш имкониятига, шунингдек, аҳоли учун турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётида, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги сўнгги ўзгаришлар ва ислохотлар солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида адолатли ҳамда самарали солиқ муносабатларини ўрнатиш зарурлигини янада кўпроқ намоён этмоқда. Солиқ солишнинг шаффофлиги, тизимдаги барқарорлик ва солиқ тўловчиларнинг қонунчилик олдидаги тенг ҳуқуқлилиги

давлат ва фуқаролар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга, шунингдек, иқтисодий фаолликни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Солиқ муносабатлари фақат давлат бюджети манфаатларига эмас, балки солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳам асосланади. Солиқлар иқтисодий фаолият учун муҳим восита бўлиб, улар давлатнинг барқарорлигини таъминлаш, жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва иқтисодий ривожланишга туртки беришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис, солиқ тўловчиларнинг солиқ солиш жараёнини ижобий қабул қилиши ва солиқларни вақтида тўлаши солиқ тизими самарадорлигининг муҳим омилларидан биридир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, солиқ соҳасидаги ислохотлар солиқ муносабатларини янада шаффоф ва самарали қилишга қаратилган. Давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш нафақат бюджетга тушумларни ошириш, балки умумий иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, солиқ органлари фаолиятини самарали ва ошқора ташкил этиш ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ишончли муносабатларни шакллантириш мумкин.

Шунингдек, солиқ солишнинг замонавий методларини жорий этиш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, солиқ маъмурчилигини автоматлаштириш каби чора-тадбирлар солиқ муносабатларини оптималлаштириш ва солиқ солиш жараёнини осонлаштиришга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг қонунийликка риоя қилиш даражасини оширади ва солиқ тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Ҳозирги шароитда, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш ва адолатли солиқ тизимини шакллантириш орқали мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш мумкин. Шу боис, солиқ сиёсатида шаффофлик, тенглик ва адолат тамойиллари асосида ишлаб чиқилган ёндашувлар иқтисодий ривожланишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти ва концептуал асослари А.С.Адвокатова, А.А.Батарин, А.А.Сорокин, Л.И.Гончаренко, И.А.Майбуров, В.М.Опарин, Л.П.Павлова, В.Г.Пансков, А.М.Соколовская, Д.Г.Черник ва бошқа олимларнинг ишларида таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда ҳам солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар мавжуд. А.Вахобов, А.Жўраев, И.Ниёзметов, У.Пардев, Г.Сафаров, С.Худойкулов ва У.Тўлаков каби ўзбек олимлари солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқ муносабатларининг самарадорлигини ошириш, солиқ юки ва унинг иқтисодий таъсири каби масалалар бўйича таҳлил ва тадқиқотлар олиб боришган. Уларнинг ишлари Ўзбекистонда солиқ муносабатларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Бирок, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар манфаатларини мувофиқлаштириш, улар ўртасида адолатли муносабатларни шакллантириш ва амалга оширишнинг назарий-методологик асослари ҳали ҳам етарлича чуқур тадқиқ қилинмаган. Ушбу йўналишдаги таҳлил ва илмий тадқиқотлар солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқ юкини оптималлаштириш ҳамда солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ишончли муносабатларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда умумий илмий усуллар – диалектик, синтез ва қиёслаш усуллари қўлланилди, бу эса муаммони комплекс таҳлил қилиш ва турли нуқтаи назарларни бирлаштиришга ёрдам берди. Шунингдек, махсус усуллар – формал-мантикий таҳлил ва ҳуқуқ нормаларини талқин қилиш усуллари қўлланилиб, солиқ қонунчилигининг моҳияти ва унинг амалиётдаги татбиқини чуқурроқ англашга имкон берди.

Натижалар ва муҳокамалар. Тадқиқотимиз аввалида қайд этиш жоизки, солиқ муносабатларини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида солиқ органлари ва солиқ тўловчилар манфаатларини тенглик асосида амалга ошириш учун икки асосий йўналишга эътибор қаратиш зарур. Биринчиси, солиқ хавфларини камайтириш билан боғлиқ; иккинчиси эса солиқ муносабатлари субъектларининг солиқ маданиятини оширишга қаратилган.

Солиқ қонунчилигидаги доимий ўзгаришлар, хусусан, Ўзбекистон Қонунлари билан киритилган айрим ўзгаришлар ҳар икки томон учун, яъни қоидаларни белгилайдиган давлат учун ҳам, уларга бўйсунувчи солиқ тўловчилар учун ҳам маълум бир хавф унсурини олиб келади. Шу муносабат билан таъкидлаш мумкинки, солиқ хавфлари замонавий солиқ тизимида реалликка айланган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида олимлар солиқ хавфини тадбиркорлик субъекти сифатида солиқ тўловчи нуқтаи назаридан таҳлил қилар экан, уни солиқ тўловчининг солиқ солиш ва солиқ тўлаш жараёни билан боғлиқ эҳтимолий йўқотишлар (зарарлар) хавфини қабул қилиш хусусиятларини акс эттирувчи иқтисодий категория сифатида таърифлайдилар. Шунингдек, улар солиқ хавфини солиқ муносабатлари субъекти учун солиқ солиш жараёни билан боғлиқ молиявий ва бошқа йўқотишлар хавфи деб тушунадилар. Бу хавф солиқ тўловчининг амалдаги ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда келгусидаги вазиятларни прогноз қилишдаги салбий чекинишлар туфайли содир бўлиши мумкин бўлган йўқотишларни ўз ичига олади [1].

Таъкидлаш жоизки, солиқ хавфларига арифметик хатолар ёки қонунчиликнинг айрим нормаларини тушунмаслик оқибатида юзага келган йўқотишларни киритиш мумкин эмас. Солиқ тўловчилар учун солиқ хавфлари солиқ юкининг ошиши хавфини англатади, чунки солиқ органи шартномани ҳақиқий эмас деб тан олиши ёки солиқ тўловчи қонуний деб ҳисоблаган солиқ ҳисоб-китобини ноқонуний деб топиши мумкин. Агар солиқ органи солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликни солиқ тўловчи учун ноқулай талқин қилса, солиқ тўловчи кутилаётгандан юқори бўлган солиқ юкига дуч келиши мумкин. Бундан ташқари, бу юкнинг ортишига яширин ва аниқ бўлмаган солиқ тўловларини кўпайтириб тўлаш ҳам таъсир қилиши мумкин, бу эса баҳсли ҳолатларда солиқ

тўловчининг хавфсизлик чораси сифатида солиқ тўловлар суммасини ошириб кўрсатишига олиб келади.

Давлат (солиқ органлари) нуқтаи назаридан солиқ хавфи – бу бюджет тизимига солиқ ва йиғимлар тўланмаслиги ёки тўлиқ тўланмаслигига олиб келиши мумкин бўлган, солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ мажбуриятларини бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик эҳтимоли бўлиб [16], бу солиқ қонунчилигидаги айрим камчиликлар туфайли вужудга келиши мумкин.

Тадқиқотлар натижасига кўра, давлатнинг солиқ хавфи – бу иқтисодий категория бўлиб, у барча даражалардаги бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларига маблағ тушумларини таъминлаш фаолиятининг якуний натижасини таъминлашдаги ноаниқликни ифодалайди. Бу ноаниқлик бир қатор объектив ва/ёки субъектив омиллар, солиқларни самарасиз маъмуриятчилиги ва солиқ қонунчилиги бузилишлари таъсири туфайли юзага келиши мумкин [2].

Кўриб турганимиздек, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар учун солиқ хавфи масаласида умумий жиҳат шуки, бу хавфнинг келиб чиқиш сабаби кўпинча қонунчиликдаги зиддиятлардир, улар кўп ҳолларда баҳсли вазиятларни келтириб чиқаради, бу ерда солиқ тўловчилар манфаатлари солиқ органлари манфаатларига зид бўлиб қолади.

Мавжуд вазият солиқ органларининг Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси нормаларини турлича талқин қилишлари билан янада мураккаблашади, бу эса солиқ хавфларининг юзага келиши ва кучайиши учун замин яратади. Солиқ қонунчилигидаги мавжуд зиддиятлар туфайли давлатнинг бюджетга тушумларни тўлиқ ололмаслик хавфи юзага келиши мумкин.

Биз солиқ соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш орқали солиқ хавфларини камайтириш солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги солиқ муносабатларининг мувофиқлаштиришга ёрдам беришига ишонамиз.

Шубҳасиз, солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг мақсадлари ўзаро қарши эканлиги аниқ. Солиқ тўловчилар бюджетга тушумларни камайтиришга интилган бир пайтда, давлат (солиқ органлари), аксинча, уларни оширишга ҳаракат қилади, чунки солиқлар ва йиғимлар (мажбурий тўловлар) бюджетни тўлдиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шундай қилиб, солиқ тўловчи қонунчиликдаги зиддиятлардан фойдаланиб, ўз солиқ тўловларини оптималлаштириши мумкин, бу эса бюджетга солиқ тушумларининг камайишига олиб келади. Шу билан бирга, солиқ соҳасида мавжуд бўлган ноаниқликлар солиқ тўловчи учун хавфни яратади, масалан, солиқ органлари томонидан ҳўжалик шартномаларини (олди-сотди) қайта таснифлаш, агар солиқ тўловчининг активлари солиқ гаровида бўлса.

Бироқ, бизнинг фикримизча, бундай вазиятда ўзаро мақсадларни қўллаб-қувватлаш коэффициенти юқори. Қонунчиликдаги зиддиятларни бартараф этиш айрим нормаларни бир маъноли талқин қилишга олиб келади, бу эса солиқ органлари ва солиқ тўловчилар учун солиқ хавфларининг камайишига олиб келади. Давлат учун бу солиқ тушумларининг йўқотилишини олдини олиш ҳисобига бюджетнинг даромад базасини мустаҳкамлашни англатади.

Шу муносабат билан мақсадлар аҳамияти коэффициентлари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу коэффициентлар экспертлар томонидан аниқланади ва қайси мақсад муҳимроқ эканлигини, қайсиларидан муайян масалани ҳал этишда воз кечиш мумкинлигини кўрсатади. Шунингдек, қайси мақсадларга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини ва муайян вазиятда қайси йўналишга кўпроқ ресурс ажратиш лозимлигини белгилайди.

Бизнинг фикримизча, энг муҳим мақсадлар қуйидагилар билан боғлиқдир:

Биринчидан, мамлакатда марказлаштирилмаган молиявий ислохот олиб борилаётган шароитда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан ўз солиқ ваколатларини кенгайтирувчи талқинни ўрнатиш билан.

Иккинчидан, трансмиллий корпорацияларни фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида солиққа тортишда юзага келадиган солиқ ва фуқаролик қонунчилиги ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш билан.

Учинчидан, трансферт нархларни белгилаш билан боғлиқ солиқ хавфларини камайтириш билан.

Тўртинчидан, солиқ хизмати ва солиқ тўловчи ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, улар ўртасида шаффоф ва конструктив муносабатларни йўлга қўйиш билан.

Бешинчидан, солиқ тизимини рақамлаштириш орқали солиқ тўловчилар учун қулайликлар яратиш ва уларнинг солиқ ҳисоботларини топшириш жараёнини соддалаштириш билан.

Олтинчидан, рақамли платформа ва солиқ маълумотларини электрон қайта ишлаш жараёнида маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш билан.

Еттинчидан, солиқ қонунчилигини рақамли иқтисодиётнинг талабларига мослаштириш ва солиқлардан қочишни олдини олиш учун янги ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш билан.

Саккизинчидан, солиқ органларининг халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва глобал солиқ амалиётида иштирок этиш билан боғлиқдир.

Кўплаб суд низолари ва мурожаатлар солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги солиқ хавфлари муаммосининг мавжудлиги ва кескинлигини, афсуски, тасдиқлайди. Масалан, 2023 йил 709 та солиқ аудити тадбирлари ташкил этилиб, 8 768 та солиқ тўловчиларда солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланди. Жумладан:

8 412 та ҳолат - 4,8 трлн. сўмлик солиқ ва йиғимларни тўламаслик;

3 185 та ҳолат - 7,1 трлн. сўмлик реализация қилишдан тушумларни яшириш;

475 та ҳолат - 17,7 трлн. сўмлик товарлар омборларда мавжуд эмаслиги;

471 та ҳолат - 6,0 трлн. сўмлик товарларни кирим ҳужжатларисиз сақлаш ва реализация қилиш.

“Таҳлика таҳлил” автоматлаштирилган тизими орқали аниқланган 770,9 млрд сўмлик солиқ хавфлари бўйича 1 066 та солиқ аудити ўтказилиб, текширув натижасида 1 579,5 млрд. сўм қўшимча солиқ ва молиявий санкциялар қўлланилди. Натижада солиқ аудитлари самарадорлик коэффициенти 3,7 га тенг бўлди ва аниқланган солиқ суммаларидан 764,2 млрд. сўм ундирилди.

2023 йилда 217,6 мингта солиқ тўловчига нисбатан камерал солиқ текширувлари ва текширувдан олдинги таҳлиллар ўтказилиб, 14,3 трлн. сўм қўшимча солиқлар ҳисобланган (2022 йилда 242,8 мингта субъектларда текширув ўтказилиб, 14,5 трлн. сўм қўшимча солиқ ҳисобланган).

Жорий йил бошидан солиқ ҳуқуқбузарликлари ҳақида 17 мингдан ортиқ муурожаат йўлланган. Шундан:

16 646 таси харид чеки бермаслик;

799 таси тўловни пластик карта орқали қабул қилмаслик;

35 таси пластик карта учун харид суммасини ошириш;

399 таси бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича.

Муурожаатларнинг 7 703 таси такрорий бўлганлиги ёки шикоят келиб тушган тадбиркорлик субъектида текширув давом этаётганлиги сабабли қайтарилган. Муурожаатлар асосида 4 288 та сайёр солиқ текшируви ўтказилиб, 99,4 фоиз ҳолатда ҳуқуқбузарлик тасдиқланган [20].

Ғарбда солиқ қонунчилигидаги ноаниқлик муаммоси «фискал рескрипт» процедураси орқали ҳал этилади. Унга кўра, солиқ тўловчи шартнома ёки битим тузишдан олдин солиқ маъмуриятига муурожаат қилиш ва бундай шартнома ёки битимнинг қонунийлигини аниқлаш учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этган ҳолда маслаҳат сўраш ҳуқуқига эга [3].

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида (СК) шахсинг солиқ ҳуқуқбузарлигини содир этишдаги айбини енгилаштирувчи ҳолат сифатида унга тақдим этилган шахсий солиқ маслаҳати эътироф этилган норма мавжуд. СКнинг 21-моддасига кўра, солиқ муносабатлари масалаларига оид ўз манфаатларини шахсан ёхуд солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ёки бошқа ўз вакиллари орқали ифодалаш (солиқ агенти ёки унинг мансабдор шахси) мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бу норма, солиқ маслаҳатчиларига қонун билан берилган ваколатлар процессуал кодексларга киритилмагани боис амалиётда ишламайди [14].

“Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонунда солиқ маслаҳатчисига солиқ органлари, прокуратура ва ҳатто тергов ёки суд органларида ҳам солиқ тўловчининг вакили сифатида иштирок этишига рухсат берилган [12]. Қонун қабул қилинганига 18 йил бўлишига қарамадан шу кунгача ҳеч қайси процессуал кодексда (жиноят кодекси, маъмурий жавобгарлик кодекси, иқтисодий процессуал кодекси) солиқ маслаҳатчиси вакил сифатида иштирок этиши белгиланмаганлиги сабабли судлар максимал даражада солиқ маслаҳатчисини судда қатнаштирмаслик позициясида туради. Бу эса тадбиркорнинг судда тезроқ мағлуб бўлишига замин яратади.

Бу ишламаётган нормалардан бири сифатида мунозарали вазиятларда аудио ва видеоёзувларини ёзиб олиш мумкинлиги ҳақидаги норма келтирилган. Процессуал кодексларда аудиога ёзиш ҳуқуқи, видеога олиш бу судьянинг рухсати билан дейилган. “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонунда эса бу солиқ маслаҳатчисининг ҳуқуқи деб белгиланган ва солиқ маслаҳати ташкилоти аудио, видеога ёзиб олиши мумкин дейилган. Бу ҳуқуқ ҳам ҳеч қайси процессуал кодексларга киритилмаган.

2006 йилда қабул қилинган “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонун 2022 йилда ўз кучини йўқотиб, унинг ўрнига “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги

қонун кучга кирди [15]. Юқорида қайт этилган нормалар янги қонунда ҳам белгиланган, ушбу қонун олдингисига нисбатан таъсирчан бўлишига умид қиламиз.

Солиқ органлари иштирокидаги барча ишлар маъмурий судларга ўтказилишига оид тартиб бузилмоқда, бу эса тадбиркорнинг зиёнига қарорлар чиқарилишига олиб келяпти. Иқтисодий судлар томонидан солиқ органлари иштирокида кўрилатган ишлар маъмурий судлар юрисдикциясига ўтказилиши белгилаб қўйилган бўлсада [19], ҳозир кунда маъмурий судларда бекор қилинган қарорлар тўғридан-тўғри иқтисодий судда кўрилиб, солиқ мажбурияти юклатилган ҳолатлар бўляпти.

Бу ҳолатлар солиқ тўловчилар учун ҳуқуқий аниқликни таъминлаш ўрнига, аксинча, қўшимча ноаниқлик ва хавотирлар келтириб чиқаради. Солиқ маслаҳатчилари асосида ҳаракат қилган тақдирда ҳам солиқ тўловчининг жавобгарликка тортилиши солиқ тўловчилар учун ҳуқуқий хавфларни оширади ҳамда солиқ маслаҳатларини ишончли ҳуқуқий ҳимоя воситаси эмаслиги ёки юридик кучининг камлигинини шубҳа остига қўяди.

Ривожланган давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, СКнинг 21-моддасини қуйидагича тўлдиришни зарур деб ҳисоблаймиз: биринчи навбатда, бериладиган маслаҳат ва тушунтириш учун жавобгарликни шу маслаҳатни тақдим этган солиқ органига юклаган ҳолда пункт киритиш лозим. Бу солиқ тўловчиларни тушунтиришнинг қутилмаган ўзгаришларидан ҳимоя қилади. Иккинчидан, солиқ тўловчиларга фақат солиқ қонунчилигини тушунтириш бўйича эмас, балки муайян шартнома ёки битимнинг қонунийлиги бўйича ҳам сўров билан мурожаат қилиш имкониятини берадиган пунктни киритиш керак. Бу бизнес учун ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликни таъминлаб, тадбиркорлик фаолиятидаги хавфларни камайтиради.

Солиқ қонунчилигидаги ноаниқликлар шароитида солиқ органлари ва солиқ тўловчилар манфаатларини мувофиқлаштириш ҳамда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда муҳим жиҳат солиқ хавфларини бошқаришнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқишдир. Солиқ хавфларини самарали бошқариш тизими нафақат хавф манбаларини аниқлашни, балки унинг турларини ва камайтириш йўллари белгилашни ҳам ўз ичига олиши керак. Рискларга йўналтирилган ёндашув бюджет даромадлар базасини мустаҳкамлаш ва солиқ маъмурчилигини яхшилашда асосий йўналиш сифатида кўрилиши лозим. Бу ғоя асосида солиқ органлари ишини ташкил этишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишни тавсия этамиз. Бу тавсиялар солиқ тўловчилар учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган: солиқ органлари ишига даъволарнинг йўқлиги, сўровларни тезкор кўриб чиқиш, ортиқча тўланган солиқлар ва йиғимларнинг ўз вақтида қайтарилиши ва ҳоказолар [6].

Умуман олганда, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар манфаатларини мувофиқлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қуйидаги вазифаларни белгилаш ва ҳал этишни ўз ичига олиши керак:

- Солиқ тизимини бошқаришнинг барча даражасида қонунчиликдаги зиддиятларни бартараф этиш ёки уларни максимал даражада камайтириш;

- Солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка киритиладиган ўзгаришларни малакали экспертизадан ўтказиш;
- Солиқ қонунчилигига киритилиши кўзда тутилган ўзгаришларнинг жисмоний ва юридик шахслар учун солиқ юки миқдорига таъсирини тўлиқ баҳолаш;
- Солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар натижасида бюджет тизимига тушмай қолган солиқ тушумлари кўринишидаги йўқотишларни тўлиқ баҳолаш;
- Солиқлар ва йиғимлар (мажбурий тўловлар) тўғрисидаги қонунчиликни мунтазам мониторинг қилиш ва ундаги зиддиятларни аниқлаш;
- Солиқ тўловчилар учун онлайн платформаларни такомиллаштириш, электрон декларацияларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш;
- Солиқ органлари ва тўловчилар ўртасида очик диалогни таъминлаш, маслаҳат бериш марказларини ташкил этиш;
- Солиқ органлари ходимларининг масъулиятини ошириш, коррупцияга қарши чора-тадбирларни кучайтириш;
- Солиқ бошқарувидаги энг яхши халқаро амалиётларни таҳлил қилиш ва миллий тизимга мослаштириш;
- Солиқ тўловчилар учун солиқ имтиёзларини самарали тақсимлаш;
- Мурожаат ва шикоятларни кўриб чиқишда очикликни таъминлаш, судсиз тартибда низоларни ҳал қилиш механизмларини жорий этиш;
- Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун солиқ ставкаларини иқтисодий ҳолатга ва аҳоли манфаатларига мослаштириш;
- Жамоатчилик орасида солиқ тўлашнинг аҳамияти ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш, қонунийликка риоя қилиш маданиятини шакллантириш.

Шундай қилиб, солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка киритиладиган ўзгаришлар ҳам солиқ тўловчилар, ҳам давлат учун хавф омили бўлиши мумкин. Шунинг учун қонунчиликка ўзгаришлар киритишда уларни “Парето самарадорлиги” мезонига мувофиқлигини текшириш лозим. Бу мезонга кўра, ҳеч кимга зарар етказмайдиган ва айримларга (уларнинг шахсий баҳоларига кўра) фойда келтирадиган ҳар қандай ўзгариш яхшиланиш деб ҳисобланади.

Шу билан бирга, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги солиқ муносабатларини мувофиқлаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган энг муҳим омил бу солиқ қонун ҳужжатларидаги зиддиятларни бартараф этишдир.

Қуйида солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги солиқ муносабатларини мувофиқлаштиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган энг муҳим омиллар келтирилган:

1-жадвал

Солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларга таъсир қилувчи асосий омиллар

Омиллар	Тавсифи	Солиқ органларига таъсири	Солиқ тўловчиларга таъсири
1. Қонунчиликдаги тушунмовчиликлар	Солиқ қонунчилигидаги ноаниқликлар ва нотўғри талқинлар	Солиқ тушумларини тўғри ва ўз вақтида назорат қилиш мураккаблашади	Солиқ мажбуриятларини бажаришда хато қилиш эҳтимоли ортади
2. Солиқ юкининг ортиқча даражада юқори бўлиши	Солиқ миқдорларининг ҳаддан ташқари катта бўлиши	Солиқ йиғимларини ошириш учун жадал назорат қилиш зарурати	Солиқдан қочиш ёки яширин фаолият юритишга интилиш
3. Солиқ тизимининг мураккаблиги	Солиқ қонунлари ва тартибларининг қийин ва тушунарсиз бўлиши	Солиқ органлари учун назорат жараёни мураккаблашади	Солиқ тўловчиларда тушунмовчилик ва ҳужжатларни тўғри тўлдиришда қийинчиликлар
4. Солиқ маслаҳатларининг етишмаслиги	Солиқ масалалари бўйича аниқ ва тўлиқ маслаҳатлар олишнинг чекланганлиги	Солиқ органлари учун тушунтириш ва маслаҳат бериш мажбурияти ортиши	Солиқ тўловчиларнинг нотўғри маслаҳатлар олиш орқали хато қилишлари
5. Рақамли хизматлар ва электрон тизимлардаги муаммолар	Электрон солиқ ҳисоботларини юритишда техник қийинчиликлар	Солиқ тушумлари ва маълумотларни аниқ назорат қилишга тўсқинлик	Солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳисоботларини нотўғри ёки кечиктириб тақдим этишлари
6. Солиқ органлари билан мулоқотда қийинчиликлар	Солиқ органлари билан самарали алоқа ўрнатишда қийинчиликлар	Солиқ назорати ва тушумларини тўғри бошқариш қийинлашади	Солиқ тўловчилар ўз вақтида маслаҳат ёки қўмақ олиш имконини

	йўқотади		
	Солиқ	Солиқ	Солиқ
7. Солиқ назоратида	текширувларининг	текширувлар	тўловчиларда
шаффофликнинг	шаффоф ва	натижаларида	ишончсизлик
етишмаслиги	адолатли	баҳслар	пайдо бўлиши ва
	бўлмаслиги	кўпайиши	низолар чиқиши

Солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг манфаатларини солиқ маданиятини яхшилаш орқали мувофиқлаштиришни кўриб чиқар эканмиз, солиқ маданияти – бу бозор иқтисодиётига хос, жамиятдаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса эканлигини таъкидлаш жоиз. Унинг даражаси давлатнинг фискал потенциални белгилайди.

Солиқ маданияти фуқароларнинг миллий, ҳудудий ва маҳаллий вазифаларни молиялаштиришдаги ижтимоий масъулиятини солиқларни тўлаш орқали намоён этади. Оддий ҳолда, солиқ маданиятини муҳокама қилганда, менталитет, ахлоқ ва интизом масалалари кўтарилди. Ушбу жиҳатларнинг мантиғи шундаки, улар солиқ тўловчилардан ҳам, солиқ органларидан ҳам ўз вазифаларини виждонан бажариш талабини қўяди [7].

Солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги муносабатлар, жамиятнинг психологик тайёргарлиги солиқларни тўлаш зарурлигини англашга бевосита таъсир кўрсатадиган фикр аксиомага айланмади. Ўз навбатида, аҳолининг солиқ маданияти даражаси давлат билан муносабатларга бевосита таъсир кўрсатади.

Ривожланган давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда кўп йиллик солиқ тўлаш маданияти йўқ. Бунинг сабаби фуқароларининг психологик хусусиятларида эмас – ҳар қандай инсон, яшаш жойидан қатъи назар, ўз меҳнати билан топган даромадларини беришга мойил эмас. Солиқ тўловларини ихтиёрий тўлаш муаммоси икки томонлама хусусиятга эга.

Биринчи навбатда, қонунчилик техникасининг ривожланиш даражаси ҳар доим жамиятнинг ҳуқуқий маданиятининг ишончли кўрсаткичи ҳисобланган. Қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва уларга тез-тез ўзгартишлар киритиш амалиёти (масалан, СКга ҳар ойда сезиларли ўзгартишлар киритилади) – солиқ солиш соҳасида жамиятимиз ҳуқуқий маданияти ҳали ҳам паст даражада эканлигининг яна бир мисоли. Шунинг натижасида, агар қонун чиқарувчининг ўзи ҳали зарур солиқ маданияти даражасига эришмаган бўлса, солиқ тўловчи ўз вазифаларига масъулият билан ёндошиши мумкинми деган савол туғилади?

Қонун чиқарувчининг сифатсиз ишида, аввалгидек, солиқ органлари нуқтаи назаридан, айбдор солиқ тўловчи бўлиб қолмоқда. Қонун чиқарувчининг ишидаги камчиликларни тузатиш, яъни ўзга вазифани бажаришга мажбур бўлган суд тизимидир. Ўзбекистон ҳукумати, бюджетни сақлаб қолишни хоҳлаб, аввалгидек фақат солиқ тўловчиларнинг итоаткорлигига умид қилмоқда. Бу вазиятдан ҳуқуқий, яъни цивилизацияли чиқиш йўли мавжуд зиддиятларни суд органларида кўриб чиқишдан иборат.

Иккинчидан, идеологик жиҳат – солиқ тўловчи тўлаган солиқлар қайси мақсадларда ва қандай ишлатилаётганини билиши керак ҳамда солиқ тизими билан солиқлар ҳисобига молиялаштириладиган давлат ва маҳаллий хизматлар сифати яхшиланиши натижасида ҳаёт сифати яхшиланиши ўртасидаги боғлиқликни аниқ англаши лозим. Ушбу масалалар ижобий ҳал этилганда, солиқлар виждонан тўланади, ҳатто солиқ қонунчилиги тўлиқ мукамал бўлмаса ҳам.

Солиқ солиш соҳасидаги барча муаммоларни ҳал этиш солиқ органлари тизимини ҳам ўз ичига олиши керак. Солиқ маданияти – бу ўзаро боғлиқ жараён. Солиқ инспекторида ҳам, солиқ тўловчида ҳам маданият бўлиши зарур. Ваҳоланки Солиқ қўмитасининг асосий вазифаларидан бири – бу солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни бажариш [13].

Давлат, тадбиркорлар ва фуқаролар солиқ фаолиятида рақиб эмас, балки шериклар бўлишга интилиши керак. Бизнинг фуқароларимиз наздида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ҳануз фақат фискал функцияни бажарадиган жазоловчи орган сифатида эмас, аксинча ҳақиқий маънода “Солиқчи - тадбиркорга кўмакчи” тамойилининг эгаси бўлиши зарур. Солиқ тўловчиларимиз эса ўз навбатида “инсофли солиқ тўловчи”га айланиши керак. Шундагина солиқ органлари “Солиқ хизмати – инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори” тамойили асосида қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиб, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши кучайтирилиб, солиқ назорати механизмларини янада самарали ва адолатли йўлга қўйиши мумкин бўлади. Бу орқали солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасида ишончли ва ўзаро манфаатли муносабатлар шаклланади, шунингдек, солиқ тизимида шаффофлик ва қонунийлик таъминланади.

Президентимиз таъкидлаганларидек: “Умуман, солиқчилар ўз дунёкарашини ўзгартириб, маҳалладаги катта имкониятларни ишга солиши, фақат ва фақат тадбиркорларга шароит қилиб беришлари лозим бўлади. Шунингдек алоҳида очик-ошкора платформа яратиб, солиқчилар кўрсатган хизматлар сифатига тадбиркорларнинг ўзи баҳо берадиган тизимни йўлга қўйиш лозим” [21].

Фуқароларнинг солиқ қонунчилиги талабларини ихтиёрий ва онгли равишда бажаришга тайёрлик даражаси Солиқ қўмитаси органларининг жамоатчилик тасавурида қанчалик холис, самарали ва таъсирчан фаолият олиб боришига бевосита боғлиқ. Солиқларни тўғри тўлаш ҳамма учун фойдалидир. Бюджетга солиқларни тўғри тўлаган ҳолда, солиқ тўловчи ўз тўловларини оптималлаштиради ва жарималар, қўшимча ҳисоб-китоблар ҳамда молиявий санкциялар билан боғлиқ йўқотишларни камайтиради. Солиқ қўмитаси барча тўловларни белгиланган талабларга қатъий мувофиқликда амалга оширилишини кўзлайди, чунки ҳар қандай тартибли фаолият энг яхши натижаларни беради. Бунинг барчаси солиқ органлари томонидан тушунтириш ишларини олиб боришни, шунингдек, тўпланган солиқ тартибга солиш тажрибасини умумлаштиришни ва бу асосда, кўп йиллик жаҳон солиқ фаолияти амалиётини инобатга олган ҳолда, мамлакат солиқ

хизмати ривожланишининг истиқболли йўналишларини белгилаш зарурлигини назарда тутди [8].

Солиқ тўлаш маданиятини ошириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, уларга қарши курашиш ва олдини олишда назоратни кучайтириш, текширувлар сонини кўпайтириш қатта молиявий харажатлар ва ресурсларни (инсон, вақт) сафарбар этишни талаб этиши, барча ресурсларни солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолларини аниқлашга сафарбар этишнинг имкони йўқлиги ва назоратни кучайтиришнинг самарадорлиги пастлигини кўрсатади. Шу сабабли санкцияларни кучайтириш эмас, балки шахснинг ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши муқаррарлигини тушуниб этиши муҳим эканлиги англашилади.

Тадқиқотчилар томонидан солиқ тўлаш маданиятини ошириш бўйича кам харажат талаб этадиган бошқа чора-тадбирлар, хусусан, солиқ тўловчиларнинг ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажаришига эришиш, инсофли солиқ тўловчиларни рағбатлантириш механизмлари назарда тутилган.

Биз Солиқ қўмитаси солиқ тўловчилар манфаатлари учун хизмат қилиши лозим, уларга қарши эмас, деб ҳисоблаймиз. Унинг вазифаси нафақат фискал функцияларни бажариш, балки тенг ҳуқуқли ҳамкор ролини бажаришдир. Шу муносабат билан Солиқ қўмитасини қуйидаги ишларни амалга оширадиган хизматга айлантириш зарур:

бутун жамият ва алоҳида фуқаролар манфаатларида ҳаракат қиладиган ва улар билан ҳамкорликда ишлайдиган;

барча фуқаролар ва корхоналарнинг солиқ қонунчилиги олдида тенглигини таъминлайдиган;

бюджетни самарали тўлдиришни кафолатлайдиган;

солиқ йиғиш билан бир қаторда, солиқ тўловчиларни хабардор қиладиган ва уларга маслаҳат берадиган, молиявий фаолият ва солиқ режалаштиришда уларга ёрдам берадиган;

принципиал, профессионал ва мурасасиз равишда солиқ интизомининг онгли равишда бузилишига ва коррупцияга қарши курашадиган;

ҳалқаро тажрибани ўрганиб, илғор амалиётларни жорий этиш орқали солиқ тизимини соддалаштириш ва ошкораликни оширишга эътибор қаратадиган.

Солиқ қўмитасининг профессионал ва кадр салоҳиятини, солиқ хизматчиси мақомини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, солиқ органларида профессионал одоб ёки коррупция имкониятларини минимал даражага туширадиган иш шароитларини яратиш зарур.

Хулоса ва таклифлар. Солиқ органлари ва солиқ тўловчилар билан адолатли муносабатларни йўлга қўйишнинг асосий мақсади уларнинг амалдаги солиқ солиш жараёнини ижобий қабул қилиши, шунингдек, солиқларни ўз вақтида тўлашга розилигини таъминлаш бўлиши керак. Бунда асосий урғу солиқ солиш жараёнининг шаффофлиги, қонунчиликка риоя қилишнинг аниқлиги ва солиқ юкининг адолатли тақсимланишига берилади.

Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга ишончли ва холис муносабат кўрсатилиши, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши орқали

солиқ солиш жараёнига нисбатан ишонч ортади. Бундай мақсадга муваффақиятли эришиш қўйидагиларни талаб этади:

солиқ солишнинг ҳозирги ҳолатига жамоатчилик фикри ва муносабатини ўрганиш ҳамда ҳисобга олиш;

солиқ солиш соҳасида қарорлар қабул қилишга солиқ тўловчиларни жалб этиш;

аҳоли ва солиқ тўловчиларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

қонунчиликни такомиллаштириш ва хавфларни камайитириш;

ахборот-коммуникация хизматларини такомиллаштириш;

доимий солиқ таълимини жорий этиш;

солиқ маданиятини юксалтириш.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида адолатли ҳамда ҳамоҳанг муносабатларни йўлга қўйиш нафақат солиқ тизимининг самарадорлигини оширади, балки умумий иқтисодий барқарорлик ва жамият фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бунда ҳар икки томоннинг манфаатларини ҳисобга олиш, очиқ мулоқот ва ҳамкорликка асосланган ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳамкорлик, адолатли ёндашув ва замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали солиқ тизими нафақат қонунчилик талабларига, балки замонавий иқтисодий воқеликларга мос келувчи ҳолда ривожланиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Тимофеева, И.Ю. (2011). Налоговая безопасность государства, бизнеса и общества: концепция и методология. Автореферат диссертации.
2. Коровяковский, Д.Г. (2013). Правовое обеспечение информационной безопасности в налоговых органах. Автореферат диссертации.
3. Батарин, А.А., Сорокин, А.А. (2016). Новый порядок применения контрольно-кассовой техники: реальность и перспективы. Налоговая политика и практика. – № 2 (158) февраль. – С. 30-35.
4. Адвокатова, А.С. (2016). Налоговый контроль применения налоговых льгот и освобождений при реализации мер социальной поддержки населения. Экономика. Налоги. Право. – № 2. – С. 151-158.
5. Гончаренко Л.И., Адвокатова, А.С. (2016). Современные формы налогового контроля как инструмент обеспечения бюджетной устойчивости. Инновационное развитие экономики. – № 6 (36). – С. 129-135.
6. Черник Д. (2021). Взаимосвязь моделей поведения налогоплательщиков и налогового контроля. Экономика. Налоги. Право. Том 10. – № 5. – С. 148-157.
7. Найденова Татьяна Анатольевна, & Новокшонова Елена Николаевна (2022). Налоговая культура как необходимое условие обеспечения наполняемости бюджетов. Вестник Бурятского государственного университета. Экономика и менеджмент, (1), 34-45.
8. Тўлаков, У. (2024). Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг хориж тажрибаси. Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари, 2(3), 10-22.
9. Тўлаков, У. (2024). Солиқ юки солиқ тизимининг қанчалик самарали

еканлигини аниқловчи муҳим мезон. Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт, 2(9), 143-151.

10. Тўлақов, У., & Бўронов, И. (2024). Сунъий интеллектнинг бухгалтерия соҳасидаги истиқболлари. Қўқон университети хабарномаси, 11(11), 29-32.

11. Ўзбекистон Республикасининг 1997-йил 29-августдаги “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги 474-И-сон Қонуни.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2006-йил 21-сентябрдаги “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги ЎРҚ-55-сон Қонуни (ўз кучини йўқотган).

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 17-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида”ги Низом ВМ-320-сон қарорига 1-илова.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 30-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси” ЎРҚ-599-сон Қонуни.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 4-августдаги “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-787-сон Қонуни.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сон Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-сентябрдаги “Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4846-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 7-январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги ВМ-1-сон Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 4-сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023-йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2023 йил якунлари ҳисоботи.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги “Тадбиркорлик ривожини янада юксак босқичга кўтариш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги нутқи.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

